




Суҳбат

Академик Комилжон ТОЖИБОЕВ:

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ГЕРБАРИЙСИ — МАМЛАКАТИМИЗНИНГ “ОЛТИН” ФОНДИ

Қизилқум чўлининг қайноқ қумларидан то Хисор тоғ тизмасининг қорли чўққиларигача бўлган улкан майдоннинг ранг-баранглиги табиий флорамиздаги турларнинг хилма-хиллигига сабаб бўлувчи асосий омил вазифасини ўтайди. Бу — юртимизнинг асосий бойлиги, илмий тадқиқотларнинг бигмас-туганмас манбаси. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институти айнан шу табиий флорани тадқиқ этувчи илмий тадқиқот муассасасидир. Марказий Осиёдаги энг йирик илмий муассасалардан бири ҳисобланадиган мазкур институт бу йил ўзининг 80 йиллигини нишонлайди. Институт директори, академик Комилжон Тожибоев билан суҳбатимиз муассасада олиб борилаётган илмий изланишлар ва янгиликлар ҳусусида кечди.



ИНСТИТУТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ИЛМИЙ ҲАМКОРЛАРИДАН ҲИСОБЛАНГАН КҮНМИНГ БОТАНИКА ИНСТИТУТИ БИЛАН “ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИ”НИНГ 10 ЖИЛДДАН ИБОРАТ НАШРИНИ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЧОП ЭТИШ БОРАСИДА ҲАМ САЛМОҚЛИ ИШЛАР БАЖАРИЛМОҚДА.

— Бүгунги кунда институтда қандай янги талқинотлар олиб борилаётган?

— Айни пайтда жадал ривожланаётган янги йўналишлардан бири табиий флорадаги ўсимлик турларини тўр тизимли хариталаш ҳисобланади. Фарғий ва Марказий Европа мамлакатларида кенг қўлдан эгзан бу тадқиқот йўналиши Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб айнан Ботаника институтида амалга оширилмоқда. Бу тадқиқотларнинг моҳияти шундаки, табиий шароитда флора таркиби ўрганилаётган ҳудуд 5х5 километрдан иборат квадратларга ақратилади. Тадқиқотлар давомида тўланадиган барча маълумотлар шу квадратлар бўйича жамланади. Натижада биз нафақат умумлашган кўринишдаги ахборот маъноси, балки ҳар бир ақратилган квадрат бўйича ҳар қандай илмий масалалар, жумладан, ўсимлик турларининг сони, энгиллиги, замонавий ҳолати, флорани ташкил этган географик элементлар таркиби бўйича катор саволларга жавоб олиш имкониятига ҳам эга бўламиз. Энг муҳими, бу маълумотларнинг барчаси рақамли форматда бўлиб, тақдир ва қўлдан

қўриланадиган ҳудудларни ташкил этишни режалаштириш ва камёб турларни сарфлаб қўлишда экологиклар қўлимида ёндашиш имконияти берилмоқда.

— Ботаника институти олдига турган асосий вазифалардан бири — мамлакатимиз сарҳадларидаги ўсимликлар хилма-хиллигининг давлат кадастрини юритиш жараёни ҳусусида ҳам тўхталангиз.

— Биз бу тадқиқотлар давомида Ўзбекистондаги мавжуд флора ранг-баранглигини вилоятлар кесимида хатловдан ўтказишга қаратилган илмий ишларни бажарамиз. Тизимли равишда олиб бораётган савй-харакатларимиз самараси ўлароқ, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий вилоятлари бўйича кадастр ишлари бажарилди. 2020 йили Бухоро вилояти бўйича изланишлар кўлими етади ва 2021 йилдан бу каби изланишларни Тошкент вилоятида ўтказиш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида санаб ўтилган ҳар бир вилоят флорасидаги ўсимликларнинг кадастр рўйхати шакллантирилиб, камёб, йўқолиб бораётган турларнинг хариталари тайёрланмоқда.

[Gazetani yuklab olish \(.pdf 3.84 mb\)](#)